2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

№20 (873)
2025 йил 14 март,
жума

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



**ТОШКЕНТГА ЗАМОНАВИЙ ТРАМВАЙ ҲАРАКАТИ ҚАЙТАДИ**

*Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шароф Раҳмонов ва Франция ташқи савдо ва хориждаги фуқаролар бўйича вазир-делегат Лоран Сен Мартен Тошкент трамвай тизимини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни имзоладилар.*

*Меҳнат бозори талабларига мувофиқ равишда* 4

*Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида*

## Қурилиш нормалари экспертизасида янги ҳамкорлик

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидоятов ҳамда Ўзбекистон Қурувчилар Ассоциацияси раиси Мансуржон Ниёзмуҳаммедов Ҳамкорлик меморандумини имзоладилар.**



Бу ҳужжат қурилиш соҳасида шаффофликни ошириш, норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатларни такомиллаштириш, жамоат назорати ҳамда экспертизаси механизмларини кучайтириш имконини беради.

Ушбу ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад – қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг амалий аҳамиятини ошириш, жамоатчиликни соҳа ривожига фаол жалб қилиш, уларнинг соҳа ривожидаги роли ва назорат функцияларини кучайтириш, қурилиш соҳасининг барқарор ва самарали ривожланишига ҳисса қўшишдан иборат.

Муҳим жиҳати, энди норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжат лойиҳалари экспертизасида Ўзбекистон Қурувчилар Ассоциацияси ҳам бевосита иштирок этади.

## Кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида инспекция раҳбари Сирожиддин Эшқувватов бошчилигида навбатдаги кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.**

Унда қурилиш объектларининг ҳолати, коммунал соҳада амалга оширилган ишлар, шунингдек, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимининг назорати масалалари муҳокама қилинди. Йиғилиш давомида ҳар бир ҳудудий инспекция раҳбарининг ҳисоботлари онлайн тингланиб, давлат дастурига киритилган ва инспекция рўйхатидан ўтган қурилиш объектларида шаҳарсозлик меъёрларига риоя этилиши, техник ҳамда муаллифлик назорати самарадорлиги ва сифат масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, инспекция раҳбари томонидан қурилиш объектларида давлат назоратини кучайтириш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда шаффоф ва самарали назорат тизимини ривожлантириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, йиғилишда коммунал хизматлар сифатини ошириш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини такомиллаштириш, қурилиш жараёнларининг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар ҳам белгиланди.

## Илмий ҳамкорлик меморандуми имзоланди

**Компетенцияни ривожлантириш институти ва Турин политехника университети масъуллари ўзаро илмий ва амалий тажриба алмашиш, халқаро таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрлаш ҳамда шаҳарсозлик соҳасидаги инновацион ечимларни ишлаб чиқиш бўйича фикр алмашдилар.**



Шунингдек, суҳбат давомида илмий-тадқиқот ишларини биргаликда олиб бориш, янги материаллар яратиш ва хориж тажрибасини ўрганиш орқали мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган стратегиялар ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув сўнгида Компетенцияни ривожлантириш институти ректори Аъзамиддин Қўлдошев ва Турин политехника университети ректори Олимжон Тўйчиев ўртасида илмий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган меморандум имзоланди. Мазкур меморандум доирасида томонлар бир қатор муҳим йўналишларни ривожлантиришга келишиб олдилар. Жумладан, илмий лойиҳалар, таълим соҳасида тажриба алмашиш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, зилзилабардошлик ҳамда шаҳар инфратузилмасининг сейсмик хавфсизлигини оширишга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш белгиланди.




▶ 2-бет

## Қурилиш объектини фойдаланишга қабул қилиш жараёни соддалаштирилди

**Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 февралдаги 110-сонли қарорига мувофиқ, эндиликда объектлар лойиҳалари белгиланган тартибда келишилмаган ва ҳудудий инспекциялар рўйхатидан ўтказилмаган, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари қисман ёки тўлиқ бажарилган бино ва иншоотлар бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳудудий инспекциялар рўйхатидан ўтказиш ҳамда шу асосида фойдаланишга рухсат бериш қурилиш объектларини рўйхатга олиш муддати 2025 йилнинг 1 июлига қадар узайтирилди.**

Бугунги кунда республика бўйича 2 500 дан ортиқ ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари, кўп қаватли ва якка тартибдаги уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга оширилган. Вазирлар Маҳкамасининг 200-сон қарори 5-иловасига мувофиқ, қурилиш ишларини рўйхатга олиш жараёнлари даврида объектнинг кенгаш хулосаси, қурилиш ишлари лойиҳа талаблари асосида бажарилганлиги, ижобий экспертиза хулосаси, шу билан бирга, бинонинг техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги ижобий хулосалар олинганлиги уни рўйхатга олиш учун асос бўлиши белгиланган.

Ушбу тартиб 2025 йил 24 февраль санасидан кейин ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилиш объектларига татбиқ этилмайди ва ушбу қурилиш объектлари рўйхатга олинмайди.

▶ 2-бет




**Нигора НОЗИМЖОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда экологик вазиятни тубдан яхшилаш мақсадида чанг-бўронларга қарши кураш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. “Қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги саъй-ҳаракатларни ҳуқуқий тартибга солади.**

▶ 2-бет

## “ХАВФСИЗ ЛИФТ”

### ягона идоралараро электрон платформаси қачон ишга тушади?

**Ҳукуматнинг “Республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашда белгиланган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан кўп квартирали уйларда яшовчи аҳоли хавфсизлигини таъминланаш, лифт ускуналарида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида маънан эскирган ва фойдаланишга яроқсиз 2 383 та лифт ускунаси янгиланади ва таъмирланади.**

Шунингдек, лифт ускуналарини фойдаланишга қабул қилишдан олдин ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи субъектларга республика ҳудудида кафолатланган сервис хизматини ташкил қилиш талаби қўйилмоқда. Қолаверса, лифт ускуналарида авария-қутқарув ва алоқани кучайтириш қурилмаси, кузатув камераси, авария ҳолати тўғрисида хабар берувчи мосламанинг мавжуд бўлиши белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини 2025 – 2028 йилларда янгилаш ва таъмирлаш дастури тасдиқланди. Эндиликда янгидан қурилиб фойдаланишга топширилаётган кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналари Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан “Хавфсиз лифт” ягона идоралараро электрон платформаси негизидаги электрон реестрга киритилгандан кейингина фойдаланишга қабул қилинади.

Диспетчерлик хизматини бошқариш, лифт ускуналарининг техник ҳолатини мониторинг қилиш ва авария ҳолатларини реал вақт режимида қайд этадиган “Хавфсиз лифт” ягона идоралараро электрон платформаси ушбу йилнинг 1 майидан тўлиқ жорий қилинади. Ушбу платформа ишга туширилгач, барча кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини реал вақт режимида кузатиб бориш имкони яратилади. Шунингдек, платформа ёрдамида аҳоли томонидан фойдаланувда бўлган лифтларнинг қачон ўрнатилганлиги, қайси ташкилот томонидан техник хизмат кўрсатилиши, техник кўрикдан ўтганлигига оид маълумотларни ҳам кузатиб бориш мумкин бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, республикадаги 4 427 та кўп квартирали уйдаги 11 428 та лифт ускунаси тўлиқ хатловдан ўтказилди. Натижада эксплуатация муддатини ўтаб бўлган 2 001 та лифтни янгилаш ва 382 тасини таъмирлаш кераклиги аниқланди. Ушбу мақсадлар учун маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 854,6 млрд сўм ажратиш белгиланди.

Умуман олганда, бу борадаги амалий чора-тадбирлар кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш, аварияларнинг олдини олиш, аҳолига хавфсиз шароит яратиш ва лифт ускуналарини мониторинг қилиш, шунингдек, замонавий диспетчерлик хизматини кўрсатиш каби мақсадларга ҳам хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№20 (873) 2025 йил 14 март

## Қурилиш объектини фойдаланишга қабул қилиш жараёни соддалаштирилди

◀ 1-бет

Инспекцияни хабардор қилмасдан, ўзбошимчалик билан ноқонуний тартибда қурилиш-монтаж ишларини олиб борилгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли бандларига асосан жарима чоралари белгиланган. Шу боис, буюртмачи ва пудратчи ташкилот вакиллари ушбу қисқа муддат мобайнида берилган имкониятдан фойдаланган ҳолда қурилиш объектларини белгиланган тартибда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияларидан рўйхатдан ўтказишлари керак бўлади.

Мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги жараёнларни самарали ва шаффоф бошқариш мақсадида янги қурилишларда давлат назорати тизими жорий этилганидан хабарингиз бор. Хўш, ушбу тизимнинг ўзига хос янгилиги ва имкониятлари қандай омилларда кўринади?

Ушбу тизим билан қурилиш жараёнлари босқичма-босқич текширилади ва ҳар бир иш тури учун тўлдириладиган саволномалар орқали сифат назорати амалга оширилиб, ҳужжатлаштириш жараёни соддалаштирилади. Тизим қурилиш корхоналарининг ҳолатини автоматик баҳолайди ва рейтинги паст бўлган ёки талабга жавоб бермайдиган корхоналарга рухсатнома бермайди. Қолаверса, эндиликда ҳар бир объект учун "QR" кодли паспорт жорий этилди. Ушбу код орқали объект ҳақидаги барча маълумотларни реал вақт режимида олиш мумкин. Бу республикадаги барча фуқаролар ва жамоат назорати вакилларига қурилиш объектлари ҳолатини қулай тарзда кузатиш имконини беради.

Шунингдек, объектни фойдаланишга қабул қилиш жараёни ҳам анча соддалаштирилди. Эски тизимдаги 27 та саволнома банди ўрнига, янги тизимда фақат 7 та банд қолдирилиб, жараённи тезлаштириш ва ортиқча кечикишларни олдини олишга ёрдам берадиган тизим ишга тушди. Қурилиш иштирокчилари учун интерактив ва қулай кабинетлар ишлаб чиқилди. Ҳар бир кабинет фойдаланувчига мослаштирилган бўлиб, бу орқали ички назорат, техник назорат, муаллифлик назорати ва инспекторлар учун алоҳида имкониятлар ҳам тақдим этиляпти.

Шу билан бирга, қурилиш жараёнлари тизим орқали рақамлаштирилиб, қўшимча равишда объектлар реал вақт режимида кузатиб борилади. Яъни, инспектор объектни жойига чиқиб мониторинг қилиш билан биргаликда электрон ҳужжат ва фотосуратлар орқали қўшимча ўрганишларни амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Барча хулоса, ёзма кўрсатма ва тасдиқлар электрон ҳужжат айланиши орқали амалга оширилмоқда. Бу эса қоғоз ҳужжатларга эҳтиёжни камайтириб, жараёнларни тезлаштиришга ёрдам беради.

Энг муҳими, қурилиш жараёнлари "Шаффоф Қурилиш" миллий ахборот тизимига интеграция қилиниб, жараёнларнинг шаффофлиги оширилди ва коррупция хавфи камайтирилди. Умуман олганда, янги тизим қурилиш жараёнларини шаффофлаштириш, соддалаштириш, сифат назоратини кучайтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Бу инновацион ечимлар қурувчилар ва назорат органлари учун қулайлик яратибгина қолмай, объектни ўз вақтида ва сифатли битириб, фойдаланишга топширишга имкон беради.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҚОНУН атроф-муҳитни тоза сақлашга хизмат қилади

◀ 1-бет

Хабарингиз бор, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш алоҳида белгилаб қўйилган. Давлатимиз раҳбарининг "Чанг-бўронларига қарши курашиш ва атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикасида чанг-бўронларга қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш бўйича 2024-2030 йилларга мўлжалланган Миллий дастур қабул қилинди.

Дастурда 2025-2028 йилларда чанг бўронларини прогноз ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолини барвақт огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш, чанг ва қум бўронларининг олдини олиш, уларнинг оқибатларини юмшатишда илғор технологияларни жорий этиш, қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш юзасидан кенг қамровли тадбирлар белгилаш, 2028 йилга қадар кучли чанг бўронлари ҳосил бўлиш суръатларини ҳозирги ҳолатига нисбатан 50 фоизга қисқартириш масалаларига эътибор қаратилган.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепцияси, 50 мингдан ортиқ киши истиқомат қилиши лойиҳалаштирилаётган объектлар учун шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳар Бош режалари ишлаб чиқишда мажбурий равишда ушбу объектлар ҳаво циркуляцияси ҳаво оқимининг физик хоссаларини, жой рельефларини инобатга олган ҳолда моделлаштиришни амалга ошириш тартибини жорий қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

– Мутахассислар томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 500 квадрат метрлик очиқ қурилиш майдонидан йилига ўртача 50 тонна чанг ва қум зарралари ҳавога кўтарилар экан, – деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Зумрад Бекатова. – Қайд этиш керак, қурилиш майдони ҳамда унга кириб чиқадиган йўлаклардан чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича шаҳарсозлик қоидалари белгиланган. Хусусан, бундай ҳолатларда ёмғирлатгич ва сув пуркагичлардан фойдаланиш бўйича мажбуриятлар мавжуд. Бироқ амалдаги қонунчилигимизда айнан чанг ва қум зарралари билан атмосфера ҳавосини ифлослантирганлик учун жавобгарлик мавжуд эмас эди. Шу сабабли, айнан қурилиш боис атмосфера ҳавосини ифлослантирганлик учун жавобгарликни белгилаш орқали чанг ва қум зарраларига бефарқ бўлмаслик бўйича пудратчилар, қурувчилар масъулиятини ошириш зарурати мавжуд эди. Қурилиш майдонларида чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун бу масалаларни тартибга солади.

Қонун билан "Маъмурий жавобгарлик" тўғрисидаги кодексига 500 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган қурилиш майдонида унга туташ бўлган ҳудудда ҳамда ундан чиқиш йўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этмаган, шунингдек, ушбу ҳудудларда ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлардан ортиқ даражадаги атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробар миқдорида, агар шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўллангандан кейин ҳам бир йил давомида такрор содир этилса, БҲМнинг 50 баробари миқдорида жарима қўллашни назарда тутувчи модда билан тўлдирилди. Бунда давлат экология назорат инспекцияси мазкур ҳуқуқбузарликни аниқлашга ҳамда жавобгарликка тортишга масъул бўлиши белгиланмоқда.

Қонун, биринчидан, фуқароларнинг ўз ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлашга, иккинчидан, бино ва иншоотлар ва уларнинг мажмуаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш даврида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишининг олдини олишга, учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва давлат экологик назоратини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

**Жасур ФАЙЗИЕВ,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўлими бош мутахассиси.



# КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА

## *муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда*

**Вазирлик тизимида инсон омили ва коррупцион ҳолатларни бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига қарши кескин курашиш ва уни тугатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.**



Хусусан, 2024 йилда вазирлик ҳамда ҳудудий бош бошқарма ходимлари томонидан тўлдирилган манфаатлар тўқнашуви декларация аризалари (декларация) доимий равишда ўрганилиб, аниқланган ҳолатлар бартараф этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 2024 йил 17 апрелдаги 214-сонли қарори билан вазирликнинг 120 та функция ва вазифаси белгиланган.

Коррупцияга қарши курашиш бўлими вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорликда ҳар бир функцияни ўзига хос коррупциявий хавф-хатар даражасини ўрганиб чиқиб, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати шакллантирилган. Аниқланган 20 га яқин функцияда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди. Асосан вазирликнинг Иқтисодийислоҳотлар ва стратегик режалаштириш, Давлат архитектура назорати, Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Қурилиш соҳасида лицензиялаш ва аккредитациялаш, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш, Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш каби соҳаларида коррупциявий омиллар учраши аниқланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 2024 йил 1 мартдаги 13-сонли баённомаси билан капитал қурилиш йўналишида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2024-2025 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан белгиланган 19 та чора-тадбирнинг харитада кўрсатилган муддатда бажарилиши таъминланяпти. Ҳар ой якунида амалга оширилган ишлар ҳақида Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ахборот берилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги ЎРҚ-931-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-210-сонли қарори ижроси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ижрога қаратилди.

Вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш бўйича тақдим қилинган ахборотлар ҳамда мавжуд ҳужжатлар асосида баъзи бир ҳолатлар танлов асосида ўрганиб чиқилган. Ўтган йилнинг 12 ойи давомида "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома" талабларига асосан, вазирлик марказий аппаратида тузилган жами 268 та хўжалик шартномаси таҳлил қилиниб, шундан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар юзасидан контрагентлар доимий равишда ўрганилган. Ходимларнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш бўйича вазирлик тизимида ўқитилиши таъминланган.

Жумладан, масофавий курс орқали Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимлар учун мўлжалланган "Коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш масалалари" мавзусидаги 12 соатлик ўқув курси ташкил этилиб, бугунги кунда 350 нафардан зиёд раҳбар ва ходимлар ўқитилди. Вазирлик тизимида коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш мақсадида Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали, телеграмм бот, электрон почта, расмий веб-сайтдаги алоқа канали ҳамда ишонч телефонлари ташкил этилиб, кенг аҳоли ва жамоатчиликка етказиш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган.

Ҳисобот даврида вазирликка юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳамда коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали ходимларнинг хатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида жами 97 та хабар ва мурожаат келиб тушган. Шундан 2 таси ишонч телефони, 49 таси телеграм бот ва 46 таси вазирликка тўғридан тўғри келиб тушган. Коррупцияга қарши курашиш бўлими ва ҳудудий бош бошқарма комплаенс назорати тузилмаси ходимлари билан биргаликда 95 та назорат тадбири ўтказилган. Ўрганиш натижалари бўйича 20 та интизомий жазо чоралари қўлланилган, аниқланган 197 та манфаатлар тўқнашувидан 127 таси бартараф қилиниб, қолганларига тегишли кўрсатмалар берилган.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 46 та мурожаатдан 2 таси бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, тўпланган ҳужжатлар ҲМҚОга юборилди. Бундан ташқари, 1 та ҳолатда раҳбарият топшириғи билан тизим ташкилоти раҳбар ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказилиб, ҳуқуқий баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган. Вазирлик ва унинг тизим ташкилотларида 2024 йил давомида коррупцияга қарши курашиш мавзусида 193 та тарғибот тадбири ташкил этилган.

Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарали ташкил этилиши натижасида капитал қурилиш соҳасида 2024 йил давомида 121 та коррупция билан боғлиқ жиноятлар қайд этилган бўлиб, жиноят содир этиш кўрсаткичи 2022 йилга (2022 йил – 241 та) нисбатан 120 тага ёки 49,8 фоизга камайган. Айнан вазирлик тизимида коррупциявий жиноятлар содир этиш ҳолатлари 2023 йилга (18 та) нисбатан 11 тага камайган.

Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳоланиши 2022 йилда 49 балл, 2023 йилда 71 балл ва 2024 йил якуни билан 86 баллга кўтарилиб, Агентлик томонидан бўлимнинг фаолияти яхши деб топилган.

*Сирдарёдан дараклар*

## МТТ фойдаланишга топширилди

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Таълим соҳасини ривожлантириш ва болажонларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Гулистон туманидаги Мустақиллик маҳалласида жойлашган 23-сонли мактабгача таълим ташкилоти учун 150 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.**



Ушбу муҳим лойиҳа мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, болаларни сифатли таълим ва тарбия билан таъминлашга қаратилган тизимли ишларнинг амалий ифодасидир. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 5,15 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари "Нанопроект ва технология" МЧЖ томонидан замонавий талаблар асосида сифатли якунланди. Янги муассаса илғор педагогик методлар асосида таълим бериш имконига эга замонавий ўқув хоналари, болаларнинг жисмоний ривожланишига хизмат қиладиган спорт бурчаклари, ижодий машғулотлар учун махсус жиҳозланган хоналар, ўйин майдончалари ҳамда хавфсиз ва қулай инфратузилмага эга.

Очилиш маросимида Гулистон тумани ҳокими Ўлмасжон Мамадаминов, таълим соҳаси мутасаддилари, маҳалла фаоллари ва нуронийлар иштирок этиб, янги бинодаги шароитлар билан яқиндан танишдилар. Мазкур таълим масканининг фаолияти мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига, уларнинг билим олишга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, муассаса фаолиятининг йўлга қўйилиши маҳаллада мактабгача таълим қамровини ошириш, ёш ота-оналарнинг иш билан банд бўлиш имкониятларини кенгайтиришга ҳисса қўшади.

Маълумот учун, ушбу муассасанинг эски биноси 1984 йилда қурилган бўлиб, 75 ўринга мўлжалланган эди.

## Қулайлик яратилмоқда

**Янгиер шаҳар "Наврўзобод" МФЙ Ватан ва Янги ҳаёт кўчаларида жойлашган кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқароларга қулай шароит яратиб бериш мақсадида "Буюк Диёр Сервис" МЧЖ бошқарув сервис компанияси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, "Наврўзобод" МФЙ ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларни кириш йўлагидаги темир эшиклар аҳоли томонидан нотўғри фойдаланиш натижасида носоз ҳолатга келиб қолганлиги сабабли бошқарув сервис компанияси ишчи-ходимлари томонидан таъмирлаб берилди. Шунингдек, кириш йўлагидаги электр шитлари ҳам тартибга келтирилди.

## Ноқонуний қурилмалар ўрганилди

**Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан кўп қаватли уйлар атрофидаги ноқонуний қурилишларни ўрганиш юзасидан рейд тадбири ўтказилди.**



Тадбир давомида дастлаб Сирдарё туманидаги "Дўстлик" МФЙ ҳудудида жойлашган 32-, 34- ва 36-сонли кўп қаватли уйлар ўрганилди. Ўрганиш жараёнида 4 нафар фуқаролар томонидан кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларини ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда ўраб олиш ҳолатлари аниқланди.

Инспекция ходимлари томонидан 4 нафар фуқарога ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан кўп қаватли уй атрофини ўз ҳолатига қайтариш юзасидан тегишли огоҳлантириш хатлари берилди. Фуқаролар томонидан ноқонуний қурилмалар бартараф этилмаган тақдирда қурилмаларни буздириш юзасидан судга даъво аризалари киритилиши таъкидланди.

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога "LOMBARD TASHKREDIT" МЧЖнинг 2025 йил 11 мартдаги 38-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 15 ноябрь ва 2025 йил 26 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-1, 115-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 4017 | Кольца 7 шт., кольцо и серьги 1 комплект, цепи 2 шт., браслеты 3 шт., о.в. 43,20 гр., ч.в. 42,00 гр., пр. 585 | 22 689 780,00 |
| 2. | 6238 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,66 гр., ч.в. 3,66 гр., пр. 585 | 2 529 675,00 |
| 3. | 6326 | Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 7,32 гр., ч.в. 7,32 гр., пр. 585 | 4 940 421,28 |
| 4. | 6407 | Браслет 1 шт., кольцо и серьги 1 комплект, кольцо 1 шт., о.в. 20,97 гр., ч.в. 17,17 гр., пр. 585 | 12 157 500,00 |
| 5. | 6646 | Цепь 1 шт., о.в. 7,11 гр., ч.в. 7,11 гр., пр. 585 | 2 953 370,00 |
| 6. | 6838 | Цепь 1 шт., о.в. 5,97 гр., ч.в. 5,97 гр., пр. 585 | 3 825 000,00 |
| 7. | 7287 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,78 гр., ч.в. 2,48 гр., пр. 585 | 1 450 154,93 |
| 8. | 7373 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,05 гр., ч.в. 3,90 гр., пр. 585 | 2 840 250,00 |
| 9. | 7427 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 2,58 гр., ч.в. 2,58 гр., пр. 585 | 1 675 720,00 |
| 10. | 7435 | Цепь 1 шт., о.в. 9,98 гр., ч.в. 9,98 гр., пр. 585 | 7 309 500,00 |
| 11. | 7555 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,55 гр., ч.в. 5,20 гр., пр. 500; кольца 2 шт., о.в. 6,10 гр., ч.в. 5,90 гр., пр. 585 | 8 067 000,00 |
| 12. | 7633 | Серьги 1 пара, о.в. 9,12 гр., ч.в. 9,12 гр., пр. 750; кольцо и серьги 2 комплекта, о.в. 19,06 гр., ч.в. 15,40 гр., пр. 585 | 19 732 500,00 |
| 13. | 7840 | Серьги 1 пара, о.в. 5,32 гр., ч.в. 4,72 гр., пр. 585 | 2 310 000,00 |
| 14. | 7877 | Кольцо и серьги 1 комп., о.в. 5,39 гр., ч.в. 5,39 гр., пр. 585 | 3 900 750,00 |
| 15. | 7879 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,80 гр., ч.в. 1,80 гр., пр. 585 | 1 325 250,00 |
| 16. | 7895 | Цепь 1 шт. с дефектом, кулон 1 шт., с дефектом, о.в. 8,27 гр., ч.в. 8,27 гр., пр. 585 | 5 533 487,72 |
| 17. | 7902 | Серьги 2 пары, кольцо 1 шт., цепь 1 шт., кулон 1 шт., браслеты 2 шт., о.в. 17,36 гр., ч.в. 16,50 гр., пр. 585 | 12 157 500,00 |
| 18. | 8157 | Цепь 3 шт., кулон 2 шт., кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 35,63 гр., ч.в. 35,03 гр., пр. 585 | 25 489 500,00 |
| 19. | 8171 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,42 гр., ч.в. 1,30 гр., пр. 585 | 946 500,00 |
| 20. | 8177 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,73 гр., ч.в. 1,60 гр., пр. 585 | 1 173 750,00 |
| 21. | 8213 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 1,20 гр., ч.в. 1,15 гр., пр. 585 | 749 550,00 |
| 22. | 8219 | Серьги 2 пары, кольца 3 шт., о.в. 14,51 гр., ч.в. 13,01 гр., пр. 585 | 9 430 500,00 |
| 23. | 8317 | Кольцо 1 шт., о.в. 7,26 гр., ч.в. 5,66 гр., пр. 585 | 4 128 000,00 |
| 24. | 8322 | Серьги 2 пары, цепь 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 14,68 гр., ч.в. 13,20 гр., пр. 585 | 7 751 870,91 |
| 25. | 8392 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,92 гр., ч.в. 2,92 гр., пр. 585 | 1 746 420,00 |
| 26. | 8444 | Кольца 2 шт., браслет 2 шт., цепь 1 шт., о.в. 18,18 гр., ч.в. 18,00 гр., пр. 585 | 12 915 000,00 |
| 27. | 8459 | Кольцо и серьги 1 комплект, серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 19,50 гр., ч.в. 17,00 гр., пр. 585 | 6 417 104,15 |
| 28. | 8461 | Кольца 2 шт., о.в. 5,71 гр., ч.в. 5,40 гр., пр. 585 | 3 976 500,00 |
| 29. | 8622 | Серьги без пары 2 шт., о.в. 3,48 гр., ч.в. 3,00 гр., пр. 585 | 1 673 700,00 |
| 30. | 8628 | Цепь 1 шт., о.в. 6,90 гр., ч.в. 6,90 гр., пр. 585 | 5 037 000,00 |
| 31. | 8669 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,15 гр., ч.в. 2,05 гр., пр. 585 | 1 552 500,00 |
| 32. | 8699 | Подвеска 1 шт., о.в. 1,30 гр., ч.в. 1,30 гр., пр. 585 | 946 500,00 |
| 33. | 8704 | Цепь 1 шт., о.в. 3,31 гр., ч.в. 3,31 гр., пр. 585 | 2 613 000,00 |
| 34. | 8784 | Цепь с дефектом 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 11,06 гр., ч.в. 11,06 гр., пр. 585 | 7 936 710,00 |
| 35. | 8926 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,45 гр., ч.в. 3,45 гр., пр. 585 | 2 446 305,06 |
| 36. | 9063 | Кольцо и серьги 1 комплект, серьги 1 пара, о.в. 8,65 гр., ч.в. 7,45 гр., пр. 585 | 5 643 000,00 |
| 37. | 9078 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 4,50 гр., ч.в. 4,20 гр., пр. 585 | 2 983 028,15 |
| 38. | 9148 | Серьги 2 пары, о.в. 2,39 гр., ч.в. 2,09 гр., пр. 585 | 1 552 500,00 |
| 39. | 9177 | Цепь 1 шт., о.в. 1,23 гр., ч.в. 1,23 гр., пр. 585 | 492 000,00 |
| 40. | 9320 | Серьги 1 пара, о.в. 3,18 гр., ч.в. 3,00 гр., пр. 585 | 2 310 000,00 |
| 41. | 9363 | Серьги 1 пара, о.в. 3,88 гр., ч.в. 3,40 гр., пр. 585 | 2 613 000,00 |
| 42. | 9646 | Серьги 2 пары, кольца 2 шт., с дефектом браслет 1 шт., о.в. 19,45 гр., ч.в. 17,35 гр., пр. 585 | 8 370 000,00 |
| 43. | 9993 | Подвеска 3 шт., о.в. 8,68 гр., ч.в. 8,00 гр., пр. 585 | 6 097 500,00 |
| 44. | 10003 | Кольцо и серьги 1 комп, о.в. 7,10 гр., ч.в. 7,10 гр., пр. 585 | 5 415 750,00 |
| 45. | 10059 | Подвеска 1 шт., о.в. 1,65 гр., ч.в. 1,35 гр., пр. 585 | 1 052 550,00 |
| 46. | 10106 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,08 гр., ч.в. 3,98 гр., пр. 585 | 3 067 500,00 |
| 47. | 10144 | Кольцо и серьги 1 комплект, о.в. 6,57 гр., ч.в. 6,00 гр., пр. 585 | 4 582 500,00 |
| 48. | 10250 | Цепь 1 шт., о.в. 13,87 гр., ч.в. 13,87 гр., пр. 585 | 10 491 000,00 |
| 49. | 10413 | Кольцо и серьги 1 комп., о.в. 9,01 гр., ч.в. 6,90 гр., пр. 585 | 5 037 000,00 |
